

Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2012-YIL 8-IYUN, JUMA, 68 (7993) - son

1974-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan
Bahosi kelishilgan narxda.



Айни пайтда мамлакатимизда 244 минг гектар ботқоқ ҳамда 134 минг гектар тоқзор мавжуд. Юртимизда етиштирилаётган мева-сабзавот ва узумнинг 49 фоизи фермер хўжаликларини ва 51 фоизи аҳоли томорқалари ҳиссасига тўғри келмоқда.



Ғаллакорларнинг фидойи меҳнати эвазига етиштирилган ҳосилни нест-нобуд қилмасдан йиғиштириб олиш барчадан бирдек масъулият талаб этади. Зеро, бу эл ризқидир. Бунини яхши англаган миришкорликлар бутун куч ва имкониятларини ишга солмоқдалар.



Ўзгал тоғ тобиатида ботқоқ олиш, арчзорлар қўйнидаги "Зомин" санаторийида соғлиқни мустаҳкамлаш учун бу ерда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан сайёҳлар, дам олувчилар узлуксиз келиб туради. Сўнгги йилларда бу хушманзара ҳудуд хорижий сайёҳлар эътиборини ҳам торта бошлади.

САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА

ЎЗБЕКИСТОН-ХИТОЙ: СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 5-7 июнь кунлари расмий ташриф билан Хитой Халқ Республикасида бўлди. Хитойга ташриф асосида Ўзбекистон Президенти Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) Давлат раҳбарлари кенгашининг 12-мажлисида ҳам иштирок этди.

Давлатимиз раҳбарининг Хитойга ташрифи чоғида олий даражадаги Ўзбекистон-Хитой мулоқоти устувор аҳамият касб этди.

Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг, яъни, икки мамлакат давлат махфиялари янграб, факрий қоровул ҳарбий ҳурмат бажо келтирилганидан кейин Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов билан ХХР Раиси Ху Цзиньтаонинг учрашуви ва музокара-лари бўлиб ўтди.

Учрашув аввалида Ху Цзиньтао қадрдон дўсти – Президент Ислам Каримов билан яна учрашиб турганидан бахтиёр эканини таъкидлади. Хитой ва Ўзбекистон, деб қайд этди у, биргаликда муҳим тарихий воқеани, мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 20 йиллигини нишонламоқда. Ушбу ташриф икки томонлама муносабатлар ривожига янги суръат бахш этади. Ўзбекистон раҳбари билан икки томонлама муносабатларга оид ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар бўйича батафсил фикр алмашишга тайёрий изҳор этилди.

Ушбу ташриф, ҳеч шубҳасиз, тарихий аҳамиятга эга бўлиб, унинг асосида мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан кейин ўтган йигирма йил давомида икки ва кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги ишларнинг натижалари сарҳисоб қилинди.

Давлат раҳбарлари томонидан Стратегик ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларация имзолангани ташрифнинг энг муҳим натижаси бўлди.

Дунёнинг қудратли мамлакатларидан бири бўлган Хитой Халқ Республикаси Ўзбекистоннинг юксалиб бораётган иқтисодий ва сиёсий салоҳияти ҳамда давлатларимиз ўртасида ўзаро ишонч ва ҳурматга асосланган муносабатлар қарор топганини эътироф этган ҳолда, ўзаро муносабатларни стратегик ҳамкорлик даражасига кўтарилган манфаатдор эканини билдирди.

Мазкур давлатлараро гўят муҳим ҳужжатни тайёрлаш

экан, ХХР Раиси Ўзбекистон мамлакатининг тегишли вазирлик ва идоралари узоқ ва самарали иш олиб борди. Биринчидан, ўзаро сиёсий ишончни мустаҳкамлаш, бир-бирини қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, ҳамкор томон танлаган тараққиёт йўлини қатъий қўллаб-қувватлаш, шунингдек, халқаро ва минтақавий масалалар бўйича яқин ҳамкорликда ва ўзаро келишган ҳолда иш юритиш.

Ху Цзиньтао икки томонлама ҳамкорлигининг барча жиҳатларини амалга ошириш бўйича ўз таклифларини баён этди.

Биринчидан, ўзаро сиёсий ишончни мустаҳкамлаш, бир-бирини қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, ҳамкор томон танлаган тараққиёт йўлини қатъий қўллаб-қувватлаш, шунингдек, халқаро ва минтақавий масалалар бўйича яқин ҳамкорликда ва ўзаро келишган ҳолда иш юритиш.

Иккинчидан, ишбилармонлар ҳамкорлигини, савдо-иқтисодий алоқалар қўламини кенгайтиришни қўллаб-қувватлаш, энергетика соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, ноҳомаш ёки юқори технологиялар соҳаларига оид ҳамкорлик режаси ижросини жаддаллаштириш, биргаликда махсус иқтисодий зоналар ҳамда аҳамиятга молик қўллаб-қувватлаш ва технология ривожланиш зоналарини барпо этиш, транспорт инфратузилмаси соҳасидаги ҳамкорлигини мустаҳкамлаш.

Учинчидан, ҳавфсизлик соҳасида, "уч ёвуз қуч", контрабанда ҳамда трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашишда яқин ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш.

Тўртинчидан, маданият соҳасидаги ҳамкорлигини кенгайтириш, икки томонлама ташрифлар ва мулоқотларни, айниқса мамлакатларимиз ёшлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, ўзаро англашув ва дўстлик асосларини чуқурлаштириш.

Ўзаро ҳамкорлигининг бутун минтақа манфаатларига мос келадиган асосий йўналишларидан бири – транспорт-коммуникация алоқаларини янада ривожлантиришдир. Шу нуктадан назардан томонлар Хитой-Қирғизистон-Ўзбекистон йўналиши бўйича темир йўл қурилиши лойиҳаси тезроқ амалга оширилишини ҳам томонлама қўллаб-қувватлашларини билдирдилар. Бу йўл ХХРдан Ўрта ва Жанубий Осиё мамлакатларига энг қисқа транспорт маршрути юзига келишини таъминлайди.

Томонлар ташриф доирасида умумий қиймати 5,2 миллиард АҚШ долларига тенг қирқдан зиёд савдо-иқтисодий, сармоячи ва мо-

лиявий битим ва шартнома-лор имзоланганини мамнуният билан таъкидладилар.

"Биз доимо Ўзбекистоннинг содиқ дўсти ва ишончли ҳамкори бўлиб қоламиз", деди ХХР раҳбари учрашув якунида.

Президент Ислам Каримов ХХР Давлат кенгаши Раиси Вэнь Цзябао билан учрашиб, музокара ўтказди.

Хитой ҳукумати раҳбари Хитой Ўзбекистоннинг суверенитети ва мустақил тараққиётини қатъий қўллаб-қувватлашни таъкидлар экан, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий-иқтисодий ислохотларга, Ўзбекистоннинг минтақада тинчлик ва барқарорлиқни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларига юксак баҳо берди.

ХХР Давлат кенгаши Раиси икки мамлакат раҳбарлари ташаббуси билан тузилган Ҳамкорлик қўмитаси ва унинг таркибидаги турли йўналишлар бўйича олти қўмитанинг фаолияти алоҳида аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Нефть-газ ва нефть кимёси, кимё, тоғ-кон саноатида, транспорт ва логистика, машинасозлик, телекоммуникациялар соҳаларида сармоявий ҳамкорликни ривожлантиришнинг истиқболи порлоқ экани қайд этилди.

Ўзбекистон ва ХХР "Ўзбекистон-Хитой" газ қувурини барпо этиш ва ундан фойдаланиш лойиҳасини амалга оширишда фол ҳамкорлик қилмоқда. Ушбу лойиҳа ХХРга узоқ муддатли асосда табиий газ етказиб бериш учун барқарор транзит йўлагини шакллантириш имконини беради.

Транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва халқаро ташувларни ташкил этиш соҳасида муҳим келишувларга эришилди. Хусусан, жорий йилнинг 1 июлидан Навоий авиахаби ва Хитойнинг Тяньжин авиахаби ўртасида юк ташиш йўналиши очилди, парвозлар ҳафтаига 3 марта амалга оширилади. Шунингдек, яқин вақтда "Навоий" аэропорти билан Хитойнинг йир-иқ саноат марказлари – Шанхай ва Гуанчжоу шаҳарлари ўртасида мунтазам авиақатновлар йўлга қўйила-ди, Урумчи-Тошкент йўлов-чи авиарейси очилди. То-монлар, шунингдек, Марка-зий Осиёдан Хитойга газ етказиб бериш қувватларини ошириш бўйича ҳам келишувга эришдилар.

(Давоми 2-саҳифада)

Тошкент Вилояти



МАҲАЛЛАДАГИ КАСАНАЧИЛИК МАРКАЗИ ОИЛАГА ДАРОМАД КЕЛТИРМОҚДА, ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Истиқлол шарофати билан миллий хунармандчилигимизга катта эътибор қаратилмоқда. Жойларда хунармандчилик марказлари ташкил этилиб, уй бекалари, ёшлар хунар ўрганиб, оила даромадига ўз

ҳиссаларини қўшишяпти.

Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги Мезон маҳалласида ҳам миллий хунармандчилик ривожлантирилмоқда. Кейинги ўн йилда маҳаллада касаначилилик марказлари

ташкил этилиб, кўпчилик хунарли бўляпти.

СУРАТДА: касаначи Салтанатхон Йўлдошева набираси Ўзгалхонга чеварлик сирларини ўргатмоқда.

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

СИУлар фаолияти янада такомиллашмоқда

Чиноз туманида Чирчиқ-Оҳангарон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси томонидан Тошкент вилоятида Сув истеъмолчилари уюшмалари фаолиятини такомиллаштириш, сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш, вегетация доирасида сифатли суғоришни ташкил этишга бағишланган семинар ўтказилди.

Унда вилоятдаги барча Сув истеъмолчилари уюшмалари раҳбарлари, сувчилар, ирригаторлар ва соҳа мутахассислари иштирок этди.

Семинар қатнашчилари тумандаги "Осиё Гўлзор-обод" СИУ фаолияти, иш жараёни билан яқиндан танишдилар. Сув истеъмолчилари уюшмасининг замонавий тарзда жиҳозланган, барча шарт-шароитларга эга ихчамгина биноси, ишнинг аниқ ва пишиқ-пукта ташкил этилгани барчада бирдек қизиқиш ва ҳавас уйғотди. Бунини семинар даво-

мида кўпчилик СИУ раҳбарлари ва сувчиларнинг ўзаро суҳбатларидан яққол англади. Улар ҳам ишни ана шундай ташкил этиш, ўз иш фаолиятларини такомиллаштириш зарурлиги ҳусусида фикр алмашдилар. Шундан сўнг иштирокчилар мазкур СИУ ҳудудидаги "Усмон ота" фермер хўжалигида бўлишиб, сув олиш қулоқларини жиҳозлаш, сув ўтказиш ҳамда суғоришда тежамкор технологияларни қўллаш борасида олиб борилаётган ишларни кўришди. Фермер хўжалигида гўзани

суғоришнинг ўзига хос услуби жорий қилинган экан. Ўзгал қатор ораларига плёнка тўшалган бўлиб, ҳар ярим метр масофада плёнкада тешикча ҳосил қилинган. Бунда сув ўқаридан эгилувчан қувурлар воситасида плёнка тўшалган гўза қатор ораларига чикарилиди ва ниҳоллар томчилатиб суғорилади.

Шунда қатқалоқ кузатилмади. Унгача ўқарик тепасида ҳандақ қазилиб, унда йиғилган сувга маҳаллий ўғит солинади ва шарбат ҳосил қилинади. Сўнг ҳандаққа сув қуйилиб, плёнка тўшалган ўқаридан оқизилади. Шу тарзда сувнинг ўқаридан шимиллиб, исроф бўлишининг олди олинади.

— Албатта, ҳар қандай шароитда ҳам сувдан оқилона ва самарали фойдаланган деҳқон муваффақиятга эришади, — дейди Чирчиқ-Оҳангарон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи Жаҳонгир Абдуразақов. — Ўтган йилларда кузатишдан охираёт тақчиллигидан деҳқон фермерларимиз тегислиги ҳулоса чиқаришган. Ёш-сочин кўпроқ бўлган жорий мавсумда ҳам сувнинг беҳуда сарф бўлишига йўл қўйиб бўлмаслигини улар яхши билишадди. Экинни ўз вақтида, дала ҳолатидан келиб чиқиб, меъёрида ҳам сифатли суғориш ҳосил баракасини таъминловчи муҳим омиллардан бири. Бугунги семинарнинг ўтказилишидан мақсад ҳам сувчилар, СИУ раҳбарлари билан шулар ҳусусида жиддий гаплашшиш, бу борада олиб борилаётган ишлар билан уларни яқиндан таништириш эди.

Айтиш мумкинки, семинар ҳар жиҳатдан мазмунли ва самарали ўтди.

Раимкул СУЯРОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

"ЎЗБЕКЕНГИЛСАНОАТ": ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ ОШМОҚДА

Миллий матбуот марказида "Ўзбекенгилсаноат" ДАК томонидан енгил саноат корхоналарини техник ва технологиялар янгилаш борасида амалга оширилган ишлар, экспорт жараёнини такомиллаштиришдаги устувор вазифаларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Компания тизимида 2012-2014 йиллар мобайнида 711 та тўқув, йигирув ва тикув дастгоҳлари 13,4 миллион АҚШ долларини миқдоридан янги замонавий дастгоҳларга алмаштирилди.

Тармоқ корхоналарини модернизациялаш ва замонавий дастгоҳлар билан техник қайта жиҳозлаш ишлари узвий равишда олиб

борилмоқда. 2009-2011 йилларда тармоқ корхоналарига 345,6 миллион АҚШ долларини миқдоридан инвестиция киритилиб, 72 та корхона ишга туширилди.

Давлат дастури бўйича бу йили тармоқда 20 та корхона модернизация қилиниб ва янги-дан бунёд этилиб, ишга туширилди. Натижада 2095 та янги иш

ўрни яратилиши режалаштирилган. Жорий йилнинг январь-ап-



рель ойларига 54 миллион АҚШ долларини миқдоридан хорижий ин-

вестиция жалб қилиниб, 6 та янги корхона ишга туширилди. Натижада 1164 та янги иш ўрни ташкил этилди.

Республикамизда хорижий инвесторлар иштирокида ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш ва четдан сармоялар жалб қилиш мақсадида Хитой, Ҳиндистон, Индонезия, Малайзия, Сингапур, Бразилия, Испания, Франция, Италия ва Жанубий Корея давлатларидан тақдимотлар ўтказилди. Олиб борилган тақдимотлар натижасига кўра, жорий йилда маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда ҳудудларда 82 та лойиҳа бўйича

умумий қиймати 598,2 миллион АҚШ долларини миқдоридан янги корхоналар ташкил этиш режалаштирилди. Бу лойиҳалар асосида 7445 та янги иш ўрни яратилади.

Бугунги кунда "Ўзбекенгилсаноат" ДАК жаҳоннинг 40 дан ортиқ мамлакатларига ўз маҳсулотларини экспорт қилмоқда.

Компания корхоналар томонидан импорт маҳсулотлари ўрнини босувчи маҳаллийлаштирилган (локализация) лойиҳалар салоҳиятини ҳам ошириб бормоқда.

Тадбирда енгил саноатни ривожлантириш стратегияси нафақат тугалланмаган босқичга (ип

калага ва газлама), балки тўлиқ тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилганлиги, лойиҳаларни амалга оширишда, энг аввало, мавжуд хомашё манбалари ва ишчи кучига эътибор қаратилгани таъкидланди. Шунингдек, 2012-2015 йилларда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ошириш, экспортни кўпайтириш муҳим вазифалардан этиб белгилангани қайд этилди.

Матбуот анжуманида ОАВ ходимлари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Ахмадjon РИХСИБОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Жиззах Вилояти

ЭКОТУРИЗМ

ЗОМИН САЙЁҲЛАРНИ ЧОРЛАЙДИ

Зомин – Туркистон тоғ тизмалари бағридаги энг хушманзара масканлардан. Денгиз сатҳидан тўрт минг метр баландликда жойлашган ноёб экотизимга эга “Зомин” халқ боғи ва “Зомин” давлат кўриқхонасида ўсимликларнинг 700 дан зиёд, кам учрайдиган ёввойи ҳайвонларнинг эса 150 тури мавжуд.

Мустақиллик йилларида мазкур ноёб табиий ҳудуддаги биохимил-хилликни муҳофаза қилиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Хусусан, “Зомин” халқ боғида фаолият юритаётган “Туркистон тоғ тизмалари фауна ва флорасини ўрганиш бўйича ўқув мониторинг маркази” ҳудуддаги ноёб табиат бойликлари тадқиқ этиш ва асраш муаммолари билан шуғулланмоқда. Республика ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтининг “Кўлсой” таянч пункти ҳам шу ерда жойлашган. Шунингдек, “Зомин” ўрмон хўжалигида арча, бодом, pista, тоғ тераги каби дарахтлар кўчатлари парваришланиб, мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларига етказиб берилмоқда.

Қадимий ва бой тарихга эга Зомин Ватанимиз мустақиллиги йилларида кўрмизнинг гуллаб-яшнаган масканларидан бирига айланган. Кейинги йилларда янги-янги уй-жойлар, кўчалар, ижтимоий, хизмат кўрсатиш иншоотлари барпо этилиши шаҳар чиройига ўзгача чирой қўймоқда.

Ўзгал тоғ табиатидан баҳра олиш, арчазорлар қўйнидаги “Зомин” санаторида соғлиғини мустаҳкамлаш учун бу ерга мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан сайёҳлар, дам олувчилар узлуксиз келиб туради. Сўнгги йилларда бу хушманзара ҳудуд хориқлик сайёҳлар эътиборини ҳам торта бошлади. Унинг ўзига хос экзотик табиати, хилма-хил ландшафти, флора ва фаунаси, “Уриқлисой” шаршараси, 700 ёшли Бобойноқ каби табиат ёдгорликлари, тарихий масканлар сайёҳларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

– Экотуризмни ривожлантиришни ҳаётининг ўзи тақозо этмоқда, – дейди туман ҳокимлиги ахборот хизматининг раҳбари Урозали Бердибеков. – Ушбу эҳтиёжнинг ҳисобга олиб ишлаб чиқилган дастур асосида туристик йўналишларни белгилаш, сервис хизмати кўрсатиш тармоқларини ташкил этиш, шу асосда маҳаллий аҳолининг бандлигини таъминлаш бўйича бир қанча лойиҳалар амалга оширилди.

Тумандаги «Natura & rektion» масъулияти чекланган жамияти БМТ Тараққиёт Дастури билан ҳамкорликда “Зоминда туристик рекреация ҳудуд барпо этиш” лойиҳасини амалга оширмоқда. Лойиҳа доирасида сайёҳларни ҳудудга жалб этиш, йўлбошловчилик, меҳмонхона хизмати тизимини яратиш бўйича бирмунча ишлар бажарилди.

– Лойиҳамизнинг асосий мақсади маҳаллий аҳолини экотуризмни ривожлантиришга жалб этишдан иборат, – дейди мазкур масъулияти чекланган жамият раҳбари, лойиҳа муаллифи Лола Санаева. – Шу мақсадда туристик манзилларни, йўналишларни белгилаш ишлари тўлиқ бажарилди. Турист йўналишлардаги қишлоқларда сайёҳларга хизмат кўрсатишни



ташкил этиш бўйича семинарлар ўтказдик. Йўлбошловчилар, уй-меҳмонхона эгалари учун ўқувлар ташкил этдик.

Айни пайтда “Зомин” давлат кўриқхонаси ҳудудидаги Уриқлисой, Хулқар, Усмонлисой, Пишағар қишлоқларида сайёҳлар учун олти уй-меҳмонхона қуриб битказилди. Хориқлик сайёҳлар учун маиший, транспорт, йўлбошловчилик, ошхона каби хизматлар йўлга қўйилди.

Зоминда туризмни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар мамлакатимиздаги туристик фирмалар, хориқлик туропера-

торлар эътиборини жалб этмоқда. Соҳа вакиллари бу ердаги йўналишлар, уй-меҳмонхоналар шароитлари билан танишди. Жумладан, япониялик, германиялик турфирма вакиллари иштирокида меҳмонхона хизмати, сайёҳларни қабул қилиш бўйича махсус семинар-тренинглари ўтказилди.

– Зоминга келиб, Ўзбекистоннинг табиати нечоғли гўзал ва баътақорлигига, халқининг бағрикенг ва меҳмондўстлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим, – дейди германиялик туроператор Виктор Ханс. – Бу ерда экотуризмни ривожлантириш учун жуда катта им-

кониятлар мавжуд. Бу қишлоқ аҳолиси учун қўшимча даромад манбаи бўлиши билан бирга, уларнинг табиатга бўлган муносабатини ҳам тубдан ўзгартиради.

Туризм нафақат Зомин, балки вилоятнинг бошқа туманлари учун ҳам янги соҳа ҳисобланади. Самарқанд, Бухоро, Хива, Қарши, Тошкент каби қадимий шаҳарларимизни кўриш иштиёқида келаётган сайёҳлар оқимининг кескин ошиши катта йўл ёқасида жойлашган Жиззах вилояти учун ҳам янги имкониятлар очмоқда.

Тошқул БЕКНАЗАРОВ,
ЎЗА муҳбири.

ФОТОСУРАТЧИЛАР УЧУН МАҲОРАТ ДАРСЛАРИ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида фотомуҳбирлар учун “Визуал саводхонлик: фотосурат ва сизнинг фотоаппаратингиз” деб номланган маҳорат дарслари бўлиб ўтди.



Унда машҳур фотосуратчилар томонидан ишланган суратларнинг яратилиши, фотография санъатининг истиқболлари ҳусусида сўз юритилди. Фотосуратлар яратишда ёруғлик, хусусан, қуёш нурулидан фойдаланиш, рақамли фотосуратлар билан ишлаш, фотосу-

ратчиларнинг иш услублари, касб сирлари ҳақида маърузалар тингланб, амалий машғулотлар ўтказилди. Жумладан, АҚШлик маҳоратли мутахассис Франк Уорд ҳамкасблари билан фотокўлаш, фотография дақиқлиги, фотография дақиқлиги билан фотосуратлар билан ишлаш, фотосу-

ратчиларнинг иш услублари, касб сирлари ҳақида маърузалар тингланб, амалий машғулотлар ўтказилди. Жумладан, АҚШлик маҳоратли мутахассис Франк Уорд ҳамкасблари билан фотокўлаш, фотография дақиқлиги, фотография дақиқлиги билан фотосуратлар билан ишлаш, фотосу-

ратчиларнинг иш услублари, касб сирлари ҳақида маърузалар тингланб, амалий машғулотлар ўтказилди. Жумладан, АҚШлик маҳоратли мутахассис Франк Уорд ҳамкасблари билан фотокўлаш, фотография дақиқлиги, фотография дақиқлиги билан фотосуратлар билан ишлаш, фотосу-

Рашид ГАЛИЕВ
олган сурат.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналар диққатига!

УЛУҒНОР ТУМАНИ ОБОДОНЛАШТИРИШ БЎЛИМИ ҚУЙДАГИ ИНШОТГА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНАШ БЎЙИЧА ҚАЙТА ТАНАЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. Буюртмачи: Улуғнор тумани Ободонлаштириш бўлими

(Андижон вилояти Улуғнор тумани Мустақиллик кўчаси 5. (+99874) 761-13-47)

Улуғнор тумани Оқ-олтин ҚФЙ, Гагарин МФЙ, Янги-чек-2 кўчасидаги 1,151 км. ички йўللари жорий таъмирлаш;

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 103 803 900 сўм.

Ишларни тугаллаш муддати: 2012 йил 1 август.

Ишларни молиялаштириш: Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Диққат! Автомобил йўллари жорий таъмирлаш объектлари бўйича квоталар миқдори кичик бизнес субъектлари учун 25 % ни

ташқил қилади, бошқа тенг шароитларда афзаллик кичик бизнес субъектларига берилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйдаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридagi айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий маънафа, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга ва таҳрибли, ишончли бўлишлари шарт.

Савдатда қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш

учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси Андижон вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйдаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Андижон ш. Чинобод кўча 59-уй, тел.факс: 226-72-02.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи: 70 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишининг охириги муддати оферталар очилиш куни ва соати, танлов савдолари матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб 15 кундан кейин ўтказилади.

Вниманию организаций и предприятий!

УПРАВЛЕНИЕ КАПИТАЛЬНОГО СТРОИТЕЛЬСТВА МВД РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ СРЕДИ ОРГАНИЗАЦИЙ МАЛОГО И СРЕДНЕГО БИЗНЕСА

На объект: “Реконструкция учреждения КИН-46 в Навоийской области 1-ая очередь (общестите на 400 мест — 2 шт)”.

Стартовая стоимость заказчика без НДС 2 441 877 558 сўм, с НДС 2 930 253 070 сўм.

Срок завершения строительства 9 месяцев.

Заказчик: Управление капитального строительства МВД Республики Узбекистан.

Расположенный: г.Ташкент, ул. Усмана Носира тулик-1, дом-9.

Финансирование осуществляется 50 % за счет собственных средств и 50 % за счет республиканского бюджета.

На строительство объекта заказчиком будут выделены фонды на приобретение металлопроката и цемента по фиксированному ценам заводов-изготовителей.

Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов должны соответствовать следующим требованиям: допускаться организация, имеющая лицензию на строительство закрытых и охраняемых объектов, имеющие оборотные средства в размере не менее 20 % от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственные базы, трудовые ресурсы и специалисты, необходимые для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах.

аналогичных конкурсных объекту, имеющие гражданскую правоспособность и полномочия для заключения договора.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценке конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсных предложений с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, достигаются на сумму указанного налога.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торга Территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве по Навоийской области по адресу г.Навои ул. Гасалия-2а. Тел.: 225-49-96, 225-47-98.

Стоимость одного комплекта документов 100 000 сўм.

Оферты принимаются организатором торгов по адресу: г.Навои ул.Гасалия-2а, тел.: 225-49-96. Крайний срок представления оферт организатору торгов ко дню и часу вскрытия оферт.

Вскрытие оферт состоится не менее чем через 30 дней после опубликования объявления.

ООО “NANF INVEST GROUP” (ИНН 302170911), зарегистрированное отделение гос. регистрации субъектов предпринимательства Комитета Успенского р-на г. Ташкент, расположенное по адресу: Успенский р-н, ул. Улугу-д, 519, лицензируется (протокол собрания №4 от 18.05.2012 г.). Претензия принимается в течение двух месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: 725-80-25.

Утвержденный план квартиры по адресу: г. Ташкент Успенский (быв. А.Ибрагимовский) р-н Чиланзар-26 д. 29 к-ра 38, выданный БТИ Успенского р-на г. Ташкента на имя Худайбергеновой Матлубе, считать действительным.

ООО “ASMO-TECHNO QURUSH” (ИНН 301595798), зарегистрированное отделение гос. регистрации субъектов предпринимательства Комитета Успенского р-на (№ 003739-01 от 03.05.2010 г.), расположенное по адресу: г. Ташкент Чиланзар-12 д. 64 к-ра 26, лицензируется (протокол собрания учредителей № 1 от 07.05.2012 г.). Претензия принимается в течение двух месяцев со дня публикации объявления по тел.: 127-33-31.

Утвержденные “Таблицы шрифтов” за № 003499-08 от 19.12.2008 г.; за № 003499-08 от 24.03.2009 г., выданные Инспекцией по гос. регистрации субъектов предпринимательства при Комитете Чиланзарского р-на г. Ташкента на ООО “SHOSHI IMPEKS”, считать действительными.

Утвержденный аттестат № ОН-ШН 0761733, выданный в 2007 г. лицензия International House-Tashkent M.Улугбеков р-на на имя Набиной Светланы Александровны, считать действительным.

Утвержденный уловый штамп ООО “MAX-PLUS INVEST” (ИНН 300926524) Сергеевского р-на г. Ташкента, считать действительным.

Утвержденный план квартиры, расположенной по адресу: г. Ташкент Юнбузар-17 д. 13 к-ра 34, выданный БТИ Юнбузарского р-на на имя Ахмедова Хасана Бахромовича, считать действительным.

Утвержденный уловый штамп на ООО “MOS BIZNES” (ИНН 206037901) Сергеевского р-на г. Ташкента, считать действительным.

ООО “OR-TEXTIL” (ИНН 301280087) Кибрайского р-на Ташкентской обл., зарегистрированное в ИРСИ Кибрайского р-на (№ 2235, 31.07.2009 г.) объявляет об уменьшении уставного фонда с 223 393 872,15 сўм до 189 356 672,15 сўм.

Утвержденный гос. ордер № 01-01/06860 от 20.02.1993 г., права собственности на квартиру и план квартиры, расположенной по адресу: г. Ташкент А.Ибрагимовский р-н Чиланзар-26 д. 24 к-ра 22, выданный на имя Бахметова Олега Петровича, считать действительными.

Утвержденный шифростом № 11 О.П.ОН 452441, выданный в 1997 г. на № 124 Успенского р-на (быв. А.Ибрагимовский р-н) о 9 летнем образовании на имя Минаева Миржолдирова, считать действительным.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Қабулхона — 236-58-83, Котибнит — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 236-56-25, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-56-21, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-28-04, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:

Коракалпоғистон Республикаси — (8-361) 352-54-58; Андижон — (8-374) 970-99-13; Бухоро — (8-365) 593-27-57; Жиззах — (8-372) 366-61-16; Наманган — (8-369) 562-19-59; Фарғона — (+998-91) 137-06-83; Самарқанд — (+998-97) 756-68-27; Сирдарё — (8-367) 588-06-89; Тошкент — (+998-97) 800-29-61; Хоразм — (8-362) 520-69-14; Қашқадарё — (8-375) 229-17-29.

Реклама ва эълонлар —

236-58-83, 233-28-04.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар.

Навбатчи муҳаррир: Ш.Йўлдошев

Мусоҳиба: О.Очилов

Дизайнер: И.Бобомухамедова